



Салим II (1524 йил 28 май – 1574 йил 13 декабр) – усмонийлар хукмдори (1566-1574). Сулаймон I ва Роксолананинг ўгли. Салим II хукмронлик даврида давлатни вазири аъзам Мухаммад Соколлу (Соколич) бошкарди. Усонийлар давлати Эрон, Венгрия, Венеция (1570-1573) ва “Мукаддас лига” (Испания, Венеция, Генуя, Мальта)га карши уруш олиб борди, Арабистон ва Кипр истилоси якунланди.

Салим II (1524 йил 28 май – 1574 йил 13 декабр) – усмонийлар хукмдори (1566-1574). Сулаймон I ва Роксолананинг ўгли. Салим II хукмронлик даврида давлатни вазири аъзам Мухаммад Соколлу (Соколич) бошкарди. Усонийлар давлати Эрон, Венгрия, Венеция (1570-1573) ва “Мукаддас лига” (Испания, Венеция, Генуя, Мальта)га карши уруш олиб борди, Арабистон ва Кипр истилоси якунланди.

1569 йилда турк кўшинлари зайдийларга карши йирик жазо юришларини уюштиришди. 9 ойлик камалдан сўнг (1569 йил августдан 1570 йил май ойининг ўртасигача), Кавкабан (Санъо якинида) калъаси олингач зайдийлар етакчиси усмонийлар хукмронлигини тан олди. Бирок Ямандаги турклар хукмронлиги баркарор эмасди. Мамлакат бутунлай бўйсундирилмаганди, Яман ва Хадрамавтдаги султон хукмронлиги факатгина харбий-сиёсий назоратдан иборат эди холос.

1569 йил Салим II Астраханга муваффақиятсиз юриш бошлади. Истамбулда Волга ва Донни канал оркали бошглаш режаси ишлаб чиқилганди. 1569 йил ёзда яничарлар ва татар суворийлари Усмонийлар флоти Азовни камал қилиб турганда Астрахан камалини ва канал ишларини бошлашди. Лекин Астрахан гарнизони хужумни қайтарди. 15 минг кишилик руслар кўшини ёрдамга жўнатилган татар кўшинини ва канал ишчиларини қувди. Усмонийлар флоти эса тўфон туфайли халокатга учради.

1570 йилда султон Салим II венецияликларга тегишли бўлган Кипр оролини эгаллаш учун эскадра жўнатди. Адриатиканинг шарқий соҳилидаги Венеция ерлари ҳамда Эгей ва Иони денгизларидаги Венеция босиб олган ороллар учун уруш бошланди.

Венециянинг туркларга карши урушини Испания кироли Филипп II ва рим папаси қўллаб-қувватлади. Папанинг ташаббуси билан Усмонийлар давлатига карши урушиш учун “Мукаддас лига” тузилди. “Мукаддас лига”га Венеция, Испания, Мальта, Генуя, Савойя ва Италиядаги бошқа давлатлар қўшилди. Харбий ҳаракатлар танаффуслар

билан 3 йил давом этди.

Лепанто денгиз жанги. 1571 йил 7 октябр Лепанто (Греция) шахри якинидаги Патраикос бўғозида дунё тарихида машхур бўлган денгиз жангларида бири бўлиб ўтди. Эшакли кемаларда олиб борилган сўнгги энг йирик жанг эди. “Мукаддас лига” (асосан Испания ва Венеция) кемалари турк эскадрасига карши жанг килди. Туркларда 230 та, иттифокчиларда 208 та кема бор эди. Жанг ўта дахшатли тус олиб хар икки томонга катта талафотлар етказди. Воқеа гувоҳларидан бири шундай ёзади: “Жанг майдонида айланган денгиз, одам конидан аскарларга кизил рангда кўринарди”. Бу жангда иттифокчилар сафида бўлган, бўлажак ёзувчи Мигель Сервантес бир кўлидан айрилди. Турк эскадраси огир маглубиятга учради. Турклар 200 та кема йўқотди. Хамда 30 минг аскар ўлди ва яраланди. Иттифокчилар 10 та кемасидан айрилди ва 7 минг аскари халок бўлди. Туркларнинг маглубияти Европада ажойиб таассурот қолдирди. Италия ва Испанияда галаба шарафига черковларда ибодатлар ўтказилди.

Лепанто жанги Усмонийлар давлати ва “Мукаддас лига” ўртасидаги хал қилувчи жанг бўлмади. Турклар қиска муддатда янги флот ташкил қилиб урушни галаба билан тугаташди. 1573 йил мартдаги Венеция ва Усмонийлар давлати ўртасидаги тинчлик шартномасига кўра, венецияликлар туркларга Кипрни тоширишга ва катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур бўлишди.

Салим II “Мукаддас лига”га карши урушни тугатгач, Тунисда харбий харакатлар бошлади. 1574 йилнинг баҳорида у ерга 40 минг кишилик кўшин юборди. Турк эскадраси 300 кемадан иборат эди. 12 июлда кун бўйи давом этган жанглардан сўнг турк эскадраси Тунис шахрига ёриб кирди. Кейин 7000 кишилик испан гарнизони турган Ла-Гуетта қалъаси қўлга олинди. 1574 йил август-сентябр ойларида Албастиун қалъаси олинди. Химоячиларнинг аксарияти жангларда халок бўлди, асирга тушганлари қатл этилди. Бу юришлар натижасида испанлар Шимолий Африкадаги мулкларидан жудо бўлишди. 1581 йил қирол Филипп II султон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Туниснинг турклар томонидан эгалланиши узок вақт давом этган Гарбий Ўрта ер денгизининг тақсимланишига яқун ясади. Султон Салим II нинг бош вазири Венеция элчиси билан бўлган суҳбатда вазиятни сўзлар билан жонли ифода этган эди: “Сизлар бизнинг соқолимизни Лепантода қирқиб ташлагандингизлар, биз эса сизларнинг қўлингизни Тунисда қирқдик. Соқол ўсиб қикади, қўл эса ҳеч қачон ўсиб қикмайди”. Ҳақиқатан ҳам Тунис эгаллангандан сўнг, Гарбий Ўрта ер денгизи учун қураш тўхтади. Турк қўшини яна Эрон ва Австрияга қарши қурашга отланди.

1574 йили Молдавияда Иван Злим бошлиқ туркларга қарши қўзғолон бўлиб ўтди.

А. Кодировнинг "Шарқнинг машхур сулолалари" китобидан